Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 6 январь, № 4 (5424) Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 1 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **325-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт»;

2) **333-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суриштирувчи, терговчи ёки суд жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг ёхуд ажримнинг кўчирма нусхасини прокурорга юборади»;

3) **339-модданинг иккинчи қисми** «миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «давлат божхона хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 январь
№ ЎРҚ—317

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 1 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «давлатлараро битимлар (шартномалар)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «башарти, давлатлараро битимлар (шартномалар)да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 2-бетда).

Ишлаб чиқариш соҳасида технологияларнинг замонавий ва тежамкорлиги ҳамда юқори қувватга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимиздаги мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Ислоҳот

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Пировардида маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки хорижлик буюртмачиларга ҳам манзур бўлаётир.

Нукус шаҳридаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “ККРАСИ Бетон” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай янгиланишлардан сўнг ўз фаолиятини самарали йўлга қўйди. Ўтган йили бу ерда банкнинг 400 миллион сўмлик кредити ҳисобига Данияндан келтирилган илғор технологиялар ўрнатилди. Натижада темир-бетон қувурлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, 100 га яқин кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

— Маҳсулотларимиздан автомобиль ва темир йўллари қурилишида кенг фойдаланилади, — дейди корхона ижрочи директори Баҳодир Алланиязов. — Айни пайтда ойига 550 метр куб, яъни 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, “Бухоро — Ғузор — Нукус — Бейнеу” автомагистрали қурилишига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Эътиборлиси, корхона халқаро сертификатга эга. Ҳозир бу ерда пиёдалар йўлкасига ётқизиш учун мўлжалланган турли ҳажмдаги плиталар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

2 январь куни Ўзбекистон ва Хитой дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Россияни ўрганиш маркази ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбатида Шанхай халқаро тадқиқотлар академиясининг етакчи таҳлилчилари, Хорижий тиллар университети, Молия ва иқтисодиёт

Биз ва жаҳон

университети, Халқаро ва минтақавий тадқиқотлар мактаби, Шарқий Хитой педагогика университети ҳузуридаги Россияни ўрганиш маркази, Фудан университети ҳузуридаги иқтисодиёт мактаби, Шанхай халқаро тадқиқотлар университети ҳузуридаги Ташқи ишлар ва дипломатия мактабининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

ХХР собиқ ташқи ишлар вазири, ШҲТнинг биринчи бош котиби, Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени соҳиби Чжан Дэгуан раҳбарлигидаги Хитой халқаро тадқиқотлар жамғармаси ҳузуридаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар мулоқотга кўмаклашиш маркази мазкур тадбир ташкилотчиларидан бири бўлди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниши баробарида, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқининг мазмунмоҳияти юзасидан ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

СИРДАРЁ. Мирзаобод туманида калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган “Гулистон Текстиль Файз-барака” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Сармоя меваси

Бунинг учун таъсисчилар томонидан корхонага 600 миллион сўмлик сармоя киритилди. Ҳозир 90 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа томонидан кунига 5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор гузар қурди

ХОРАЗМ. Тадбиркор Фаррухбек Эшжонов саъй-ҳаракати билан Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида замонавий маҳалла гузари қурилиб, ишга туширилди.

Янги иш ўринлари яратилган мазкур мажмуада маросимлар зали, ошхона, новвойхона, гўзаллик салони каби бир қанча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

2011 йилда вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Илғор лойиҳалар – ҳаётга

НАВОИЙ. “NAVOI FSK” масъулияти чекланган жамиятида йилига 900 миллион сўмлик темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологик линия фойдаланишга топширилди.

Замонавий корхонада 20 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 954,8 минг АҚШ долларилик кредити эвазига молиялаштирилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йил мобайнида вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 100 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ички бозор ва хорижга

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги “Ўрта Осиё Қизилмия” қўшма корхонасида тиббиётда кенг қўлланиладиган қизилмия ўсимлигини қайта ишлаш жараёни кенгайтирилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банк кредити ҳамда корхона маблағидан самарали фойдаланилди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган қизилмия хом ашёси нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, балки хорижлик буюртмачиларга ҳам етказиб берилаётир.

Вилоятда ўтган йили ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида қиймати 8,7 миллиард сўмлик ҳамда 3,7 миллион АҚШ долларилик 20 та лойиҳа ҳаётга жорий қилинди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

САДОҚАТ, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ

Миллий армиямиз ёшларимиз қалбидаги ана шу эзгу фазилатларни мустаҳкамловчи чинакам ҳаёт мактабидир.

Мамлакатимизда “ўзбек модели” деб ном олган мустақил тараққиёт йўлимиз асосида тинч ва осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини ошириш йўлида улкан натижаларга эришилмоқда. Ана шу ютуқларимизда бугунги замон талаблари асосида шакллантирилган Қуролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Бу мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Асосий Қонунимизда қайд этилишича, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”. Мана шу мезон асосида вужудга келган профессионал армиямиз сафларида бугун Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улар доимо халқимиз ардоғида, давлатимиз эътиборидадир.

Яна саноқли кунлардан сўнг барчамиз миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Газетамизнинг бугунги сонида ана шу санага бағишланган туркум мақолалар билан танишасиз.

4-бет

Кичик бизнеснинг улуши ортмоқда

Кичик бизнес субъектларининг 2011 йилдаги экспорт ҳажми

2

миллиард

АҚШ долларидан ошиши, мамлакатимиз ялпи экспортидаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бир рақам шарҳи

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида мазкур соҳани ривожлантириш учун қулай бизнес муҳити яратиб берилгани, турли имтиёз ва преференцияларнинг жорий қилингани, ишлаб чиқаришга замонавий ускуна ва технологиялар жадал татбиқ этилгани бундай салмоқли кўрсаткичларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Қисқа сатрларда

● Чуст туманидаги Олмос қишлоғида 6 километр масофага қувур тортилиши билан 6350 та хонадоннинг сув таъминоти яхшиланди. Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 115 миллион сўм сарфланди.

Туман қишлоқлари аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш ишларига эса ўтган йили жами 160 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

● Бўстонлиқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчилари Янги йилни ўзгача қувонч билан кутиб олдилар. Муассасада байрам арафасида замонавий шароитларга эга ёпиқ спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳага Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 246,3 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **6-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**6-модда. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»;

3) **27-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ҳисса» деган сўз «баробари» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **31-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига кўра, ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар тўлиқ ишланган календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан кам ишлаган ҳолларда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади»;

5) **32-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақига қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақига қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Ўқиш даврида тўланган стипендия пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига кўра иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг (деҳқон хўжаликларининг аъзолари, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчи шахслар ва бошқаларнинг) пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси учун ҳисобланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

6) **36-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

7) **40-модданинг**:

биринчи қисмидаги «агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **63-модданинг тўртинчи қисмидаги** «икки ҳиссасидан» деган сўзлар «уч баробаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **64-модданинг иккинчи қисмидаги** «агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 январь
№ ЎРҚ—318

Президент асари ўрганилмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган китобини мамлакатимиз аҳли катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Анжуман

Зеро, унда баён этилган фикрлар ҳеч биримизни, айниқса, мустақил ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш авлодни бефарқ қолдирмайди. Шу маънода, мамлакатимиз ўғил-қизларини мазкур асар билан янада кенгроқ таништириш мақсадида жойларда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 4-5 январь кунлари республикамизнинг барча минтақаларидаги олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари ўртасида мазкур асарни янада кенгроқ ўрганишни ташкил этиш мақсадида, Ягона электрон таълим тармоғи орқали видеоконференция ўтказилди.

Конференцияда қайд этилишича, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчиларидан иборат ижодий гуруҳ томонидан Юртбошимизнинг ушбу китобини талаба-ёшлар орасида кенг ўргатишга ёрдам берувчи ўқув-услубий қўлланма тузилиб, 26 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилган. Унда ўқув дастури, назорат ва муҳокама учун саволлар ҳамда тестлар ўз аксини топган. Махсус курс уни ўрганиш натижаларига мувофиқ, давра суҳбати билан якунланиши белгиланган.

Видеоконференцияда махсус ўқув курсини ўқитишга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг билими, малакаси ва педагогик маҳоратига қўйилган юқори талаблар, яратилган таълим технологияси ва ўқув-тақдимот техникасидан фаол фойдаланиш талаблари муҳокама қилинди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йили мобайнидаги Ўзбекистон — Хитой алоқалари, Хитой ва Ўзбекистоннинг сиёсий муносабатлари, иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига алоқадор мавзулар хитойлик экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Россияни ўрганиш маркази директори Пан Давей Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги ўсувчанлик даражасининг юқорилиги, давлат раҳбарлари даражасидаги ташриф алмашувларининг барқарорлиги, савдо-иқтисодий ва сармоявий имкониятларнинг тобора ошиб бораётгани билан ажралиб туришини қайд этди.

У Президент Ислом Каримовни Хитойда республикадаги узоқ муддатли барқарорликнинг таъминланишига, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришган узоқни кўра олувчи сиёсатчи ва стратег сифатида билишларини таъкидлади.

Хитойлик экспертнинг фикрича, ҳар томонлама пухта ўйланган давлат дастурлари ва ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига бўлган интилиш Ўзбекистонга ҳар қандай иқтисодий ларзалардан сақланиб қолиш, глобал рецессия ва инқироз шароитида мардонавор туриш имконини берди.

“ХХР сиёсий ва эксперт доиралари Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш масаласидаги сиёсати, савдо-иқтисодий, энергетика ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилиши ўзгармаслигини қадрлайди”, деди у.

Жаҳон иқтисодиётини ўрганиш институтининг ижрочи директори, Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори Ли Синь мустақилликнинг 20 йили мобайнида Ўзбекистонда тўлақонли, самарали фаолият кўрсатадиган қонунчилик базаси яратилганига, сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳот дастурлари чуқур ўйлангани ҳамда улар муваффақиятли амалга оширилаётганига эътибор қаратди. Ли Синнинг қайд этишича, мамлакатимиз ҳаётининг барча қирралари янгиланган.

У, шунингдек, “республикада ислоҳ қилиш жараёнларининг изчил ва босқичма-босқичлиги билан ажралиб турадиган ўзига хос ва ноёб модели шаклланганини ҳамда унда номақбул “фалаж қилиб даволаш терапияси” рад этилгани ҳолда, мамлакатнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хосликлари ҳисобга олинганини, ижтимоий барқарорлик сақланиши йўлига қатъий риоя этилиши, иқтисодиётга урғу берилгани ҳолда давлатнинг бош ислоҳотчилиги таъминланганлиги”ни қайд этди.

Ли Синь мамлакатимиз иқтисодиёти хусусидаги фикрларини ўртоқлашишда давом этар экан, Ўзбекистон иқтисодиётидаги туб тизимли ўзгаришлар жаҳон бозорларига ўз маҳсулотларини олиб чиқишга, мамлакат қиёфасини ўзгартириб юборган катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларнинг қурилишига, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга кўмаклашганини таъкидлади. “Буларнинг натижасида ўлим кўрсаткичи, айниқса, болалар ва оналар ўлими кескин даражада камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ошди”, деди у, жумладан.

Хитой экспертининг фикрича, “Ўзбекистонда инқирозли муаммоларни ҳал этишда катта тажриба тўпланганки, Хитойда уларнинг айримларини ўрганса ва қўлласа арзийди”.

Шарқий Хитой педагогика университети ҳузуридаги Россияни ўрганиш маркази директори ўринбосари, доцент Бэй Вэньли мазкур давра суҳбати якунлари юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Унинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси ХХР дипломатия муносабатларини ўрнатган Ўрта Осиёдаги биринчи мамлакатдир. “Ҳар икки мамлакат муҳим манфаатларга алоқадор масалаларда бир-бирига кўмак кўрсатмоқда, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик ишларда ўзаро муносабатларни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда, — деди Бэй Вэньли. — Юқори даражадаги мунтазам учрашувлар сиёсий ўзаро ишончни мустаҳкамламоқда, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликлар ҳам салмоқли натижаларини бераётир”.

Бэй Вэньли мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатларининг келгуси истиқболи хусусида тўхталар экан, “Тараққиётнинг янги даврига қадам ташлар эканмиз, биз биргаликда нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштирамиз, фойдали қазилма бойликлар захираларини ўзлаштиришда биргаликда иш олиб борамиз, савдо-сотиқ бўйича амалий ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтирамиз, гуманитар, транспорт ҳамда телекоммуникация соҳаларида, машинасозлик, енгил саноат ва қишлоқ хўжалигидаги шерикликни кучайтирамиз”, дея таъкидлади.

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги сиёсий алоқалар ҳам икки томонлама муносабатларга барқарорлик ва ўсувчанлик бахш этмоқда, — деди Б. Вэньли ўз фикрини давом эттирар экан. — Хусусан, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ўзаро алмашувлар ҳамда ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ҳар икки томон учун муҳимдир.

«Жаҳон» АА.
Шанхай

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Наманган шаҳридаги “Дамбоғ пойабзали савдо” хусусий корхонасида тайёрланаётган ўнлаб турдаги замонавий оёқ кийимлари ҳам бежиримлиги ва ўзига хос дизайни билан истеъмолчилар эътиборини қозонган.

Иқтисодий салоҳият ва самарадорлик

Бундан тўрт йил аввал оддийгина косибчилик устахонаси негизида фаолият бошлаган ушбу корхонанинг довруғи бугун довон ошган. Хусусан, Тошкент шаҳрида унинг фирма дўкони ишлаб турибди, қатор вилоятларнинг савдо марказлари билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган.

— Ўтган йили модернизация тадбирларини амалга оширганимиздан сўнг салоҳиятимиз янада ошиб, маҳсулот сифати яхшиланди, харидоргирлиги ортди, — дейди корхона раҳбари Абдулносир Ҳожимирзаев. — Чунки мазкур жараёнда 50 миллион сўмлик инвестиция эвазига хорижнинг сўнгги нусхадаги чармга ишлов берувчи ускуналари, компьютерлаштирилган бичиш дастгоҳини олиб келиб ўрнатдик. Табиийки, улар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотнинг дизайни ўзгарди, пишиқлиги ортди, харидорлар диди ва талабига мос келадиган бўлди. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, йилига 50 минг донага етказиб пойабзал тайёрлаш имконияти яратилди.

Ҳозир корхонада 46 киши меҳнат қилмоқда. Асосан, “Дамбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ёшларидан иборат бўлган бу ҳунар эгалари 8 турдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқаришмоқда. Улар орасида катта ва ўрта ёшдагилар учун мўлжалланган этик ҳамда туфлидан тортиб, болалар ва ўсмирларнинг спорт пойабзалларигача бор. Меҳнат жамоаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилини муваффақиятли якунлади. Чунончи, истеъмолчиларга 1,5 миллиард сўмликдан зиёд пойабзал етказиб берилди. Айни чоғда янги марралар белгилаб олинмоқда. Яқинда харид қилинган ишлаб чиқариш биносини технологик жиҳозлаш тадбирлари бошлаб юборилди. У фойдаланишга топширилгандан сўнг маҳсулот тури кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Сурур

Ҳар биримиз Янги йилни эзгу орзу-ниятлар билан қарши оламиз. Ортда қолган йилда тўлиқ амалга ошира олмаган мақсадларимиз Янги йилда рўёбга чиқишига умид боғлаймиз. Шу маънода, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги мамлакатимиз аҳлига кўтаринки руҳ бағишлади. 2011 йилда эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, 2012 йилда одимни янада каттароқ ва дадил ташлашимиз учун куч берди. Бугун таҳририятимизга юртдошларимизнинг қўнғироқлари, дил сўзлари битилган мактублари келишда давом этаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР, НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Абубакир УЗАҚБАЕВ,
академик эшкак эшиш бўйича Осиё кубоги совриндори, Нукус Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси:

— Юртбошимизнинг халқимизга йўллаган байрам табригида мамлакатимизнинг навқирон ўғил-қизлари ўзларининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчани қувонтираётгани қайд этиб ўтилди. Шунда тўлқинланиб кетдим: Президентимиз 2010 йил 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Осиё кубоги мусобақаларида кумуш медални қўлга киритганим билан табриклаган ва махсус қайиқ совға қилганди. Ушанда бу юксак рағбат ва эътибордан руҳланиб, кейинги мусобақаларда Ватанимиз шанини муносиб ҳимоя қилишга ваъда бергандим. 2011 йилда сўзимнинг устидан чиқдим. Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида бир кишилик қайиқда академик эшкак эшиш бўйича олтин медални қўлга киритдим. Президентимизнинг эътибор ва рағбати мени бундан-да юксак муваффақиятлар сари чорламоқда.

Тоҳир АБРАЙҚУЛОВ,
Олтинсой туманидаги “Фаррух Эргаш ўғли” хусусий корхонаси раҳбари:

— Меҳнат жамоамиз ҳаётида 2011 йил улкан муваффақиятлар йили сифатида муҳрланиб қолди. Нега деганда, туманимизнинг Марказ маҳалласида барпо этилган замонавий тураржойларнинг 20 таси корхонамиз бунёдкорлари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Конституциямизнинг 19 йиллиги байрами арафасида туман марказида ишга туширилган болалар спорт мажмуаси ҳам жамоамиз меҳнати билан бунёд этилди. Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида таъкидланганидек, жорий йилда бундай бунёдкорлик ишлари қўлами янада кенгайиши кўзда тутилган. Бу эса биз, қурувчилар зиммасига янада масъулият юклайди.

Шерали ҚЎЛДАШЕВ,
“Шўртан газ-кимё мажмуаси” цехи муҳандис-технологи:

— Президентимизнинг Янги йил табригида 2011 йил, энг аввало, эл-юртимизни янги, обод ва озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолиши алоҳида таъкидланди. Мен учун ана шу энг улуғ, энг азиз айёмимиз қўшалоқ шодиёнага айланди. Яъни байрам арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бугун 3 фарзандни вояга етказаяпмиз. 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши қувончимизга қувонч қўшди. Жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойни харид қилиш ниятидамиз.

Ғайбидин ФАЗЛИЕВ,
Самарқанд давлат университети қошидаги 3-академик лицей директори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби:

— Поёнига етган йил бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Шу йили Юртбошимиз Фармонига асосан, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотландим. Бу юксак рағбат ғайратимга ғайрат қўшди. Қолаверса, лицейимиз ўқувчилари вилоят, республика фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Ижодий соҳада ҳам муваффақиятларим бисёр бўлди. Хусусан, 2011 йилда “Самақул ва Бозорбой саргузаштлари” номли саргузашт қиссам чоп этилди. Мустаҳкам оила йилидан ҳам умидларим катта. Энг аввало, лицейимизни тамомлаган ёшларимизнинг барчаси олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинишини ният қиламан.

Дилшод ҲАКИМОВ,
халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати:

— Ўтган йил халқимиз учун қувончли воқеалар, муваффақиятларга бой бўлди. Президентимизнинг Янги йил табригида таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, мамлакатимизда саноқли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсиши таъминланди. Бунинг самараси вилоят ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Яъни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом эттирилди, янги корхона ва тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. Бу борада Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида билдирган янги ғоя ва таклифлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Табиийки, ушбу ғоя ва таклифлардан келиб чиқиб, 2012 йилда муваффақиятлар изчиллиги давом эттирилади, пировардида юртимиз янада обод ва фаровон бўлади.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бир гуруҳ етакчи олимлар анчадан буён қушларнинг сайраши одамлар кайфиятига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида тадқиқот олиб боришаётганди.

Сайра, булбулим, сайра

Яқинда улар дастлабки натижаларга эришишди, дейилади "BBC" ахборотида. Жумладан, булбул, канарейка каби жонзотлар хониши инсоннинг стресс ҳолатидан тезроқ қутулишига кўмаклашар экан.

Шунингдек, руҳий касалликка чалинганларга гўзал манзаралар тасвири туширилган суратлар кўрсатилганда, улар саломатлигида ижобий ўзгаришлар юз берган.

Ҳиндистоннинг Нью-Деҳли шаҳридаги Индира Ганди номидаги халқаро аэропортда ёнғин содир бўлди.

Аэропортда ёнғин

"Hindustan Times" нашри хабарига қараганда, оловни ўчиришга йигирмадан зиёд ўт ўчириш бўлинмалари жалб этилган. Қарийб уч соатлик уринишдан сўнг офат бартараф этилган.

Ёнғин сабаблари ва талафотлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Банан таркибида жинсий йўл билан юқадиган тери касалликларининг ривожланишига тўсиқ бўлувчи модда мавжуд экан.

Шифобахш ва хосиятли

Буни АҚШнинг Мичиган университети қошидаги тиббиёт мактаби олимлари аниқлашди. Эрвин Гольдштейн бошчилигидаги тадқиқотчилар ушбу цитрус мева таркибини текширишганда, унда лектинлар кўплиги маълум бўлган. Айнан шу модда турли вирусларга қарши самарали кураш олиб боради. Яъни лектинлар хавфли инфекцияларни сиқиб, уларнинг организмда ривожланишига йўл қўймайди.

Фойдали витаминнинг зарари

Маълумки, "D" витамини суякларни мустаҳкамлайди, юрак касалликларининг олдини олиб, саратон хасталиги хавфини пасайтиради, дея ҳисоблаб келинган.

Аслида эса бундай эмас экан. Олиб борилган кузатишларга қараганда, у фақат суякларни бақувват қилиш хусусиятига эга, холос. Агар ушбу витаминни юрак ва саратон хасталиклари хавфини камайтиради, деб кўп истеъмол қилинса, аксинча, худди шу касалликлар пайдо бўлиш хавфини тезлаштириб юборар экан. Бу ҳақда "healthland.time.com" сайтида ёзилган.

Тартибсизлик оқибати

Мексиканинг Альтамир шаҳридаги қамоқхонада тартибсизлик келиб чиқди.

Оқибатда 31 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган, яна 13 нафари тан жароҳати олган.

Манбада келтирилишича, икки жиноий гуруҳ аъзоларининг ўзаро жанжалидан бошланган тартибсизлик оммавий муштлашувга айланиб кетган. Уларни тинчлантиришга аскарлар ва денгиз пиёда қўшинлари жалб этилган.

Эркаклар илк бор қачон ва қаерда соқол ола бошлашган? Бу саволга шу вақтгача турлича жавоб бериб келинади.

Азалий жумбоқ

Яқинда яна бир янги тахмин илгари сурилди. Унга кўра, буни дастлаб мисрликлар одатга айлантиришган экан. Шунингдек, қадимги юнонларда ҳам соқол қўйиб юриш русм бўлган. Лекин Александр Македонский тахтга чиққач, юздаги тукларни қиртишлаб юриш мажбурий қилиб белгиланган. Гап шундаки, у аскарлари душман билан тўқнаш келганда, соқолларидан тутиб олмасликлари учун шундай тартиб жорий этган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● Табрик ва эълонлар ●

Ўтган йил маҳалладошларимиз учун қувончли воқеаларга бой бўлди. Жумладан, 10 та болалар спорт майдончаси, янги боғ ва йўлаклар барпо этилди, кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилди.

Қувончли воқеалар шукуҳи

Дил сўзи

Ёшларни ишга жойлаштириш борасида ҳам яхши натижаларни қўлга киритдик. Жумладан, бир нечта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ишга туширилиб, 60 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Айни чоғда ҳудудимиздаги тикувчилик фабрикасига 50 нафар қиз ишга жалб этилди. Мухтасар айтганда, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва фаровонликка эришиш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил қилмоқда.

Янги, Мустаҳкам оила йилида ҳам бу борадаги ишларни изчил давом эттирамиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мустаҳкам оила деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Ҳакимжон УМИРОВ,
пойтахтимиздаги «Яккасарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Фермерларнинг янги имконияти

Бухоро вилоятининг *Олот туманида сут ва гўшт етиштириш бир йил ичида ўттиз фоизга ортди. Бунга наслли чорвани кўпайтириш туфайли эришилди.*

— Банкдан қарийб 80 миллион сўмлик кредит олиб, хориждан зотдор қорамоллар харид қилган эдик, — дейди туманда ги "Шоҳрух-88" фермер хўжалиги раҳбари Зулфиқор Анданиёзов. — Натижада деҳқончиликка ихтисослаштирилган хўжалигимизнинг кичик фермасидаги қорамоллар сони 54 бошга етди.

Айтиш жоизки, 2011 йилда туманда ги 10 та фермер хўжалиги қошида худди шундай чорвачилик тармоқлари 300 миллион сўм эвазига наслдор қорамоллар ҳисобига янада кенгайди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Standard Insurance

Лицензия СФ № 00154
2011 йил 26 май

Корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги **«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.

10R/1224

Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.
Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Танлов савдосига ТИФ «Миллийбанк»ининг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Танловга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%)	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида)	
					Сўм	АҚШ доллари
1.	«ANDIJON CHARM» МЧЖдаги улуш	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Оқтепа» МФЙ	100%	10%	5 910 068 000	3 448 516,75
2.	«ASL MEVA» МЧЖдаги улуш	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сарапаён қўрғони, Муллаёпк., 64-уй	100%	10%	1 415 784 000	827 435,79
3.	«FRESCO» МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Орзу қўрғони	100%	10%	4 140 838 000	2 384 217,83
4.	«TASHKENT PALACE NEW» МЧЖдаги улуш	Тошкент ш., Юнусобод тумани, Буюк Турон к., 56-уй	100%	2%	41 208 000 000	25 220 637,74
5.	«LINPLAST» МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Оҳангарон ш., Саноат зонаси	100%	3%	10 758 594 000	6 277 625,16
6.	«HORAZM GILAMLARI» МЧЖдаги улуш	Хоразм вилояти, Хива ш., Обводная к., 7-уй	100%	2%	38 996 735 541,38	22 754 542,85

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 3 февраль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда, танлов савдоси 2012 йил 9, 13 ва 16 февраль кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдога танлов таклифларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 6 февраль куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоси ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

19R/280

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, муҳтож ногиронларни қуйидаги протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситалари билан таъминлаш мақсадида очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади.

Лот-1. Ногиронлар аравачаси — 1645 дона.
Лот-2. Эшитиш мосламаси — 955 дона.
Лот-3. Протез-ортопедия маҳсулотлари — 12 762 дона.

Тендерда қатнашиш истагини билдирган ташкилот ва корхоналар тендер ҳужжатларини олиш учун Молия вазирлиги Ғазначилигининг 23402000000100001009 ҳисоб рақамига ХККМ, Марказий банк бош бошқармаси, Тошкент шаҳар, МФО: 00014, СТИР: 201122919, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг шахсий ҳисоб рақами: 40011086026287795010014100 1, СТИР: 201190645, ОКОНХ: 97300 га 300 000 (уч юз минг) сўм ўтказишлари керак.

Маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари — 2012 йил I, II, III, IV чораклар да.

Тендер комиссияси ҳужжатларни 2012 йил 2 февралга қадар қабул қилади.

Тендер қатнашчиларининг дастлабки малакавий танлови 2012 йил 3 февраль куни соат 16.00 да ўтказилади.

Тендерда қатнашиш учун закалат суммаси:
* **лот-1 учун — 5 000 000 сўм;**
* **лот-2 учун — 2 000 000 сўм;**
* **лот-3 учун — 8 000 000 сўм.**

Тендер 2012 йил 6 февраль куни соат 10.00 да Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биносинииг 1-қаватида бўлиб ўтади.

Тендерда хорижий ва маҳаллий юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (8-371) 239-88-33, 239-88-46. Факс: (8-371) 239-88-45.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

12R/01

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи ҳизмати жамоаси лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи Т. Алладўстовга падари бузруквори

ЮСУП отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарма фаоли, меҳнат фахрийси

Нумон НАСИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки раҳбарияти Жасур Ариповга волидаи муҳтарамаси

Салима НОРБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компания жамоаси Бош таҳририят ходими Гулнора Ҳайитовага падари бузруквори

ШАРИП отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси университет Макроиқтисодиёт кафедраси мудири, профессор Носир Маҳмудовга акаси

Мансур МАҲМУДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ 408,2 ▲ +45,8 | ШРОТ 294,4 ▼ -13,5 | ШЕЛУХА 122,0 ▼ -4,9 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4013,1 ▲ +263,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3352,8 ▼ -220,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3588,7 ▼ -168,9 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 880,0 ▲ +9,4 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

САДОҚАТ ◈ ЖАСОРАТ ◈ МАТОНАТ

Миллий армиямиз ёшларимиз қалбидаги ана шу эзгу фазилатларни мустаҳкамловчи чинакам ҳаёт мактабидир.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИК САРИ

Профессионаллик

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Қуролли Кучларимизга автомобиль бўлинмалари тактик қўмондонлиги, муҳандислик қўшинлари тактик қўмондонлиги, ички таъминоти тактик қўмондонлиги каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Офицер Акмал Маматовнинг эътироф этишича, бу ерда таҳсил олаётган курсантлар, шунингдек, малака ошириш факультети тингловчилари ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий ҳарбий техникалар ҳақида ҳам чуқур билим олиб, улардан фойдаланиш бўйича амалиётда тажриба ва маҳоратларини оширадилар. Бунинг учун имкониятлар етарли. Масалан, билим юртида замонавий электрон кутубхона фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, турли русумдаги автомобиллар, бутловчи қисмлар мавжуд бўлиб, дарс жараёнида улардан кўргазмали қурол сифатида кенг фойдаланилади.

— Сафимизда ўзининг самарали меҳнати, билими билан жамоага намуна бўлиб келаётган, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган мураббийлар кўплаб топилади, — дейди подполковник Ашураҳмад Қодиров. — “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, подполковник Шамиль Шахисломов, шунингдек, Машраб Абдураҳмонов, Рауф Ҳамидов, Анастас Шахидзе, Феруза Ғаниева кабилар ана шундай фидойи инсонлар сирасига киради. Уларнинг ўз ишига садоқат билан ёндашиши, бўлғуси офицерларга таълим-тарбия бериш жараёнида бор куч ва маҳоратини ишга солиши эътиборга лойиқ.

— Давлатимиз раҳбарининг “Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири — офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир”, деган сўзлари ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдига юксак талаблар қўяди, — дейди полковник Шуҳрат Муродов. — Биз ўз фаолиятимизни ташкил этишда юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиш, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ҳамда усулларини пухта эгаллаган ҳолда, педагогик ва ҳарбий-профессионал малакамизни мунтазам ошириб боришга интилаяпмиз.

Умуман, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мард, жасур ва фидойи фарзандларни тарбиялаб, тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз куч-қудратини, салоҳиятини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уйчи туманининг Жийдакапа қишлоғида истиқомат қилувчи Бойматовлар оиласи эл орасида ҳарбийлар сулоласи сифатида эътибор қозонган.

ОИЛАДА ТУҒИЛГАН ҲАВАС

Анъана

Оила бошлиғи Неъматжон аканинг мутахассислиги — техник-қурувчи. Табиатан тартиб-интизом, қатъийликни одат қилган бу инсон армиядалигида ҳарбий соҳада ишлашни дилига тугди. Туман мудофаа ишлари бўлимига хизматга кирган Неъматжон ака чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича бошлиқ ёрдамчиси вазифасида бўлажак аскарлар билан ишлади, йигитларни армия ҳаётига тайёрлаш юмушларини сидқидилдан бажарди. Бўлимда сержант унвони билан ишлаган йигирма икки йиллик фаолияти давомида чақириқ ёшидаги минглаб ўғлонларни муддатли ҳарбий хизматга кузатди, юзлаб шогирдлар тарбиялади, сидқидилдан қилган меҳнати билан эл эътиборини қозонди.

Неъматжон аканинг ибрати, оиладаги мустаҳкам интизом тўнғич ўғил Ҳусанбойни ҳам ота изидан боришга ундади. Жисмоний жиҳатдан чиниққан, чуқур дунёқарашга эга йигит қишлоқдаги касб-ҳунар коллежини автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича тамомлагач, муддатли ҳарбий хизматга отланди. Армия ҳаёти уни ҳар томонлама тоблади, ота касбига бўлган меҳр илдиз отиб, ҳарбий қисмда фаолиятини давом эттиришга аҳд қилди. Мана, етти йилдирки, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ҳусанбой Бойматов сафдошлари билан Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишдек шарафли вазифага сидқидилдан ҳисса қўшиб келмоқда. Шу давр ичида замонавий ҳарбий техника билан ишлаш сир-асрорларини пухта ўзлаштирди, билимини бойитди.

— Аскарлик либоси ярашиб тушган Ҳусанбойнинг қадди-қомати, феъл-атворидаги қатъийлик ёшлик йилларимни эслатади, у ҳарбий соҳани танлаганидан жуда ҳам хурсандман, — дейди Неъматжон ака. — Ўғлим армиядаги янгиликлар, жанговар тайёргарлик ва хизматдош дўстлари ҳақида тўлқинланиб гапиради. Акасининг йўлини танлаб, кичик фарзандим Исломжон ҳам ҳаётини миллий армиямиз билан боғлашга қарор қилди.

Дарҳақиқат, эндиликда Бойматовлар оиласини чинакам ҳарбийлар сулоласи, деб атаса бўлади. Истеъфодаги сержант таъкидлаганидек, иккинчи ўғил Исломжон муддатли ҳарбий хизматга тайёрланмоқда. У Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида ўқиган чоғида таэквондо билан жиддий шуғулланиб, маҳоратини оширди, жисмоний жиҳатдан чиниқди. Айни чоғда Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг автомобиль мактабида таҳсил олаяпти.

— Фарзандларим билан жуда фахрланаман, — дейди Н. Бойматов. — Ҳаммаси ўқимишли, тарбияли, меҳнатга иштиёқи баланд. Катта қизим Ҳабиба, ҳатто, ажойиб спортчи бўлиб етишди. У — таэквондо бўйича Осиё чемпиони. Шогирдларим камолидан ҳам бениҳоя хурсандман. Улардан бири, ҳамқишлоғим Шавкат Асқаров — майор, Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаб, ҳарбий қисмда хизмат қилаяпти. Ваҳобжон Ҳусановнинг унвони ҳам майор, ҳозирги кунда Қуролли Кучлар академиясида таҳсил олмоқда.

Жийдакапа қишлоғида Неъматжон Бойматов, унинг фарзандлари ва шогирдлари сингари ҳарбийлик касбини танлаган кишилар анчагина. Бугун уларнинг аксарияти Қуролли Кучларимиз сафида мамлакатимиз тинчлиги ва хотиржамлиги йўлида фидокорона хизмат қилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тарих зарварақлари

● 1991 йил 6 сентябрь. Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

● **1992 йил 14 январь. Мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

● Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига биноан, 14 январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди.

● **1995 йил 2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

● 2001 йил 11 май. Янги таҳрирдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

● **2002 йил 12 декабрь. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.**

● 2005 йил 31 октябрь. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

● **2008 йил 20 ноябрь. Давлатимиз раҳбари “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.**

● 2010 йил 12 январь. Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизда бунёд этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қорақалпоқ эли азалдан бағрикенглиги билан ном қозонган. Ушбу заминда от чоптириб ўсган ўғлонлар чапдаст ва ғайратли, курашда енгилмайди. Сўзлари қатъий, шижоати юксак бундай алплар юртнинг суянчи ва таянчи ҳамдир.

ВАТАН МУҚАДДАСДИР

Кичик сержант Ойбек Холманов ҳам Ватаннинг ана шундай фидойи ўғлонларидан бири. У эришган ютуқлари билан сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ санаси арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра, Ойбек Холманов “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Эътироф

Амударё туманидаги Мангит касб-ҳунар коллежини битириб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олган ўғлон армия мактабида тобланди. Йигитлик бурчи Ойбекнинг орзуларига қанот бағишлади. У муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳаётини мардлар касби билан боғлашни ният қилди. Бунда устозлари — майор Бахтиёр Юсупов ҳамда капитан Абдуваид Юсуповнинг ҳиссаси катта бўлди. Негаки, ундаги ҳарбий соҳага бўлган иштиёқ тажрибали офицерлар назаридан четда қолмади. Хизмат давомида юрт посбонидаги билим ва маҳоратни юзага чиқаришга уларнинг нафи кўп тегди. Ўз навбатида, назарий ва амалий машғулотларда доимо фаоллик кўрсатган Ойбек устозлар ишончини оқлади. У муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шу соҳада қолди. Ўғилларининг мардлар касбини танлагани Кенжабой ака ва Солияхон опани жуда қувонтирди.

Инсон ҳаракат ва интилиш билан мақсадга эришади. Ҳарбий бўлишга аҳд қилган кичик сержант Холманов ҳам бунга жиддий ёндашди. Хизмат давомида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олди.

— Ҳарбий соҳани бугуннинг талаби асосида эгаллаш учун билим ва иқтидор, тинимсиз ҳаракат, жисмоний етуклик зарур, — дейди у. — Албатта, бунинг негизида танлаган касбига қизиқиш, фидойилик ҳам бўлмоғи лозим. Айниқса, юрт посбони бўлиш шарафли, шу билан бирга, заҳматли ҳамдир. Мақсадим, менга билдирилган ишончни оқлаб, ўз касбимга муносиб бўлишдир.

— Кичик сержант Холманов ҳарбий интизоми, хулқ-атвори билан шахсий таркибга ўрнак бўлмоқда, — дейди офицер Лочинбек Расулов. — Шунингдек, у ўз мажбуриятини, зиммасидаги масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этади. У давлатимиз томонидан берилган юксак мукофотга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Инсон учун энг катта бахт — юрт, оила тинчлиги ва фаровонлигидир. Бу йўлда хизмат қилиш эса шарафли бурч саналади. “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби, кичик сержант Ойбек Холманов Ватан тинчлигини асрашдек масъулиятли вазифани зиммасига олган экан, бу уни ҳамиша жасоратга чорлаб туради, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зулфия ЮНУСОВА.

ШАРАФЛИ БУРЧГА МУНОСИБ АВЛОД

Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши ва тараққий этишида, халқимизнинг орзу-умидлари ушалишида тинчлик-барқарорликнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода, истиқлол йилларида миллий армиямизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида замонавий, юртимиз дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган, осуда ҳаётимизни ҳимоялашга қодир, тезкор, ихчам, профессионал Қуролли Кучлар шакланди.

Таълим

Президентимизнинг 2007 йил 22 майдаги “Ҳарбий-академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган ҳарбий-юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи фаолияти мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир ҳаётий ифодасидир.

— Билим даргоҳимизда Ватан ҳимоячиси бўлишни мақсад қилган ва бунга ҳар жиҳатдан муносиб тайёрланаётган, қатъиятли, юрагида ўти бор ёшлар таълим-тарбия олмоқда, — дейди лицей директори Оллаберган Бекчанов. — Уларга каттаю кичик ҳавас ва умид билан қарайди. Лицейимизда ўқувчиларда касб маҳорати ва ҳарбий ҳаётга кўникмаларни шакллантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда биология, физика ва кимё лабораториялари, 3 та информатика, 2 та лингафон — жами 22 та ўқув хонаси, шунингдек, барча зарур адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдончалари мавжуд. Уларнинг барчаси замонавий жиҳозлар ва инвентарлар билан тўлиқ жиҳозланган. Масалан, таълим масканининг ахборот-ресурс марказида қарийб 10 мингта ўқув қўлланмалари ва бадиий китоблар жамланган. Замонавий компьютерлар интернет тармоғига уланган. Ўқувчиларга тажрибали педагог ва ҳарбий хизматчилар таълим-тарбия беришмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш мақсадида 8 та фан тўгараги ва 6 та спорт секцияси фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, мунтазам ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўқувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳарбий-юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи ҳаёти билан танишиш асносида бу ерда таълим олаётган ёшлар келажакда Ўзбекистонимизнинг осойишталигини асрашдек шарафли бурчга ҳар томонлама муносиб эканликларига ишонч ҳосил қилдик. Бу, албатта, юртимиз эртаси бундан-да нурафшон, истиқболи янада порлоқлигидан далолатдир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сарҳадларимиз ишончли қўлларда

МАҲАЛЛАНИНГ МАРД ЙИГИТЛАРИ

Ҳарбий бўлиш Фарҳоднинг болалик орзуси эди. Бироқ бир оз озғин ва нимжонроқ бўлгани учунми, мактабда жисмоний тарбия фанидан анча қийналар, кўпгина спорт беллашувларида тенгдошларидан ортда қоларди. Шариф муаллим эса уни ўз устида кўпроқ ишлаш, чайир ва жасур бўлишга ундаш мақсадида атайлаб “Бу юришинг бўлса, сени армияга олишмайди”, дея танбеҳ бергани берган эди. Унга айнан шу сўзлар қаттиқ таъсир қилган шекилли, қўшимча спорт турлари билан астойдил шуғулланишга киришди, вақт ўтиб, қадди-бастини ростлади.

Мудофаа бўлимидан чақирув қоғози келди дегунча туман марказига чопадиган бўлди. Ниҳоят, муддатли ҳарбий хизматга жўнашидан бир кун олдин ўзи таҳсил олган мактабга бориб, Шариф муаллим билан алоҳида хайрлашди.

— Табрикланг, мени муддатли ҳарбий хизматга олишди...

Бугун Фарҳод сингари Ватанга фидойи, она-юрт олдидаги хизматни ўзининг муқаддас бурчи, деб биладиган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Бундай фарзандлар билан нафақат ота-она, қариндош-уруғ, балки бутун маҳалладошлар чексиз фахрланишади.

— Ўғлимиз Фарҳоджонни муддатли ҳарбий хизматга кузатаётганда, очиғи, бир оз хавотирланган эдик, — дейди Қибрай тумани, Хўжақўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Шоҳиста Баҳромова. — Негаки, ёлғиз ўғил бўлгани учун эркароқ ўсганди-да. Шу феъл-атвори унга армияда панд бериб қўймасмикин, деб ўйлагандик. Бироқ у болаликданоқ аскарликни орзу қилгани учун бунга ўзини ҳар жиҳатдан тайёрлаб борган экан. Сафда мардонавор турганиданоқ аҳди қатъийлигини ҳис этдик. Унга чин юрақдан оқ фотиҳа тиладик.

Эътибор

Фарҳоджон муддатли хизматдан қайтганда уни ҳарбий либосда кўриб, чинакам йигитларга хос шаҳду шиддатидан фахрланиб кетдим. Қарангки, феъл-атвори, муомаласи, гап-сўзлари ҳам анча ўзгарибди. Айниқса, унда олий ўқув юртига кириб ўқиш истаги туғилганидан қувондик. Армиядалик чоғида ўз келажаги ҳақида жиддий ўйлаб, пухта тайёргарлик кўрган экан. Бу ниятига етишида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтагани учун берилган тавсиянома қўл келди — биринчи уринишдаёқ Тошкент давлат автомобиль-йўллар институтига ўқишга кирди.

— Бугун миллий армиямиз йигитни йигит қиладиган чинакам ҳаёт мактабига айланди, — дейди Чиноз туманилик фермер Абдуғаффор ота Акромов. — Ҳарбий ҳаётни кўрган йигит ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқар экан. Унда ростгўйлик, меҳнатсеварлик, ўз тақдири, келажаги учун масъуллик ҳисси ортар экан. Шунданми, кўпчилик иш берувчилар ходим танлашда, энг аввало, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунга, ҳеч иккиланмай, мен ҳам қўшиламан. Ҳозир хўжалигимиз аъзолари орасида қишлоғимизнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган икки нафар йигити бор. Иккови билан суҳбатлашсангиз, бир олам завқ оласиз. Ҳар ишни ўрнига қўйиб бажаришда, ўзларига топширилган вазифага масъулият билан ёндашишда улар бошқаларга ўрнак, десам янглишмайман.

— 2011 йилда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлардан 110 нафари махсус йўлланма билан турли ташкилот ва идораларда ўз иш фаолиятини бошлади, — дейди Сангиота тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Нодир Норматов. — Яна 20 нафардан ортиқ йигит олий ўқув юртларига ўқишга кирди. 12 нафари эса хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган оқилона сиёсати, беқиёс ғамхўрлиги самарасидир...

Ҳаётда ўз ўрни ва йўлини топиш — ҳар бир кишининг эзгу мақсади. Бунга эришишда эса Қуролли Кучларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.15 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5